

«MILLIY TIKLANISH»
DEMOKRATIK PARTIYASINING
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETASI



1995 йил 10 июльдан чика бошлаган

www.mt.uz / milliytiklanish2022@umail.uz

tiklanish



ЎЗБЕКИСТОН

БУЮК МАҚСАД САРИ КАТТА ЙЎЛГА ЧИҚДИ 4

КОНСТИТУЦИЯДА

ФУҚАРОЛИК ЖАМИАТИ ИНСТИТУТЛАРИ МАҚОМИ МУСТАҚАМЛАНМОҚДА 5

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИ КОДИМЛАРИ БОЛАНИНГ СОҒЛИГИ, ЖИСМОНИЙ ВА РУҲИЙ САЛОМАТЛИГИГА АММОНЛИК ҚИЛИШЛАРИ ЗАРУР. 8

30 июнь – Ёшлар куни муносабати билан “Янги Ўзбекистон” боғида ташкил этилган навбатдаги байрам тантанасида иштирок этдим...

Шубҳа йўқки, ҳар бир ота-она, устоз ва мураббий учун юртим қорига ярайман, деб ўқиб-ўрганаётган, изланаётган фарзандлари, шоғирдлари борлигидан ортироқ бахт йўқ! Зеро, бугунгидек таҳликали ва рақобатга тула дунёда барча ота-онага ўз жигарбандининг камолини кўриш насиб этсин! Таҳлилчиларнинг фикрича, бугун ўз аҳолисининг ярмидан кўпрогини ёшлар ташкил этадиган давлатлар бармоқ билан санарлидир. Кўк кўзли немис боласининг туғилишига зор бўлган давлат фақат Германиягина эмас. Зотан, бу дунёда ўз аҳолисини мигрантлар ҳисобига кўпайтиришга мажбур бўлаётган давлатлар қанча?! Уларнинг миллат сифатида эртага яшаб қолишлари учун кўрилаётган чоралар ҳам, афсуски, етарлича самара бермаётганига гувоҳ бўляпмиз. Шундай мураккаб шароитда юртимизда аҳолининг туғилиш ва ўсиш суръатлари барқарор эканини таъкидлаш мумкин. Статистикага кўра, Ўзбекистон аҳоли сони бўйича дунёда 43-ўринни эгаллаб турибди. МДҲга аъзо давлатлар орасида ҳам ёшлар сони бўйича етакчилар қаторидамиз. Бу жиҳатларнинг давлат томонидан эътиборга олинаётгани ва шунга мос равишда қадамларимиз ҳам тезлашаётгани Янги Ўзбекистоннинг мақомига мос тушаётир, албатта. Айтиш жоизки, кейинги йилларда Ўзбекистонда ёшлар масаласи давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолди. “Яшаса, болам деб яшайди ўзбек” деган сатрларда ҳам азалий қадриятларимиз мадҳ этилгани бежиз эмас. Бугун анъана ва қадриятларимизга садоқат билан хизмат қилишнинг сифат босқичига қадам кўйдик, десак муболаға қилмаган бўламиз. Шу-

нинг учун ҳам ёшларга оид давлат сиёсатининг янги қирралари нималарда намоён бўлаяпти, деган саволга муносиб жавобимиз бор. Бу борада, энг аввало, ўтган олти йил мобайнида ёшлар билан ишлаш масаласи алоҳида соҳа сифатида тан олинганини, ҳатто ёшлар байрамида вилоят ҳокимлари шахсан Президент олдига юқоридагидек саволларга жавоб қайтарганини таъкидлаш жоиз. Ёшларнинг ҳокимлар у ёқда турсин, уларнинг ёрдамчилари оstonасида сарғайиб, ўз ёғига ўзи қовурилиб юрган дамлар кечагидек ёдимизда. Хуш, бугун – Янги Ўзбекистонда нималар ўзгарди? Бугун: - айнан ёшлар масаласига масъул янги давлат органи ташкил этилди, янги авлод муаммоларини ўрганадиган бутун бошли институт фаолияти ҳам йўлга қўйилди; - давлат ташкилотларининг ёшлар масаласидаги ҳисобдорлиги оширилиб, ёшлар масаласига масъул лавозимлар жорий этилди; - маҳаллага ёшлар етакчиси кириб борди; - ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ва улар билан манзилли ишлашда “Ёшлар дафтари” тизими жорий этилди; - меҳнат бозорида ёшларни рақобатбардош кадрлар сифатида шаклланишига қаратилган замонавий лойиҳалар амалга оширила бошланди;

Давоми 3-бетда

Ўзбекистон аҳоли сони бўйича дунёда 43-ўринни эгаллаб турибди. МДҲга аъзо давлатлар орасида ҳам ёшлар сони бўйича етакчилар қаторидамиз.



ЭНДИ ЁШЛАР ОРАСИДАН ПАРТИЯ ЕТАКЧИЛАРИ ҲАМ ЕТИШИБ ЧИҚАДИ!

3 КЕЛАЖАККА ҚЎЙИЛГАН ПОЙДЕВОР

Бундан беш йил аввал Президентимиз ташаббуси билан 30 июнь – Ёшлар куни деб эълон қилинган эди. Айтиш мумкинки, ўтган давр мобайнида ёшларни ўйлантириб келаётган ҳаётини муаммолар ва уларнинг ечими давлат сиёсати даражасида ҳал этила бошланди.

6 ЧИЛОНЗОР МАКТАБЛАРИДА ҲАЁТ ҚАЙНАМОҚДА

Хусусан, биринчи секторга қарашли “Катта Хирмонтепа” маҳалласидаги 217-мактабда 104 та тўғарак ташкил этилиб, уларга 2095 нафар ўқувчи жалб қилинди.

6



НАРХЛАР ОШИРИЛМАЙДИ!

Ҳукумат қарори билан 15 июлдан ва 2023 йил 1 апрелдан кучга кирадиган табиий газ ва электр энергиясининг янги нархлари тасдиқланди.

«MILLIY TIKLANISH» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ДЕПУТАТЛАРИ ВА ФАОЛЛАРИНИНГ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА ЮЗ БЕРГАН ВОҚЕАЛАР ЮЗАСИДАН МУНОСАБАТИ

Ҳокимиятнинг ягона манбаи халқдир. Шунинг учун ҳам бугун барча қарорлар халқ билан маслаҳатлашган ҳолда қабул қилинапти, минглаб ташаббус ва таклифларга муносабат билдирилмоқда. Гарчи давлат бошқарувида доир қарорларга муносабат билдиришнинг осон ва самарали тизими яратилган бўлса-да, қонунларга зид, ҳамма учун зарарли ва ҳаёт учун хавfli бўлган йўлни танлаганлар қурбон эмас,

балки жиноятчидир. Фикр айтиш, масъулларга етказиш, муҳокама ва мунозара қилиш, лоқайд ва масъулиятсиз хизматчиларни танқид қилиш, уларнинг фаолияти юзасидан шикоят қилиш ёки судга бериш ҳуқуқимиз ва ҳаққимиз! Лекин биздан бошқа миллионларнинг ҳам яшаш жойи, хотиржамлиги манбаи бўлган жамоат тартиби, тинчлиги, барқарорлигини бузмаслик ва бузғунчиларни кўлламаслик ҳам

мажбуриятимиздир! Ўзбекистондаги тинчликка раҳна солмоқчи бўлганлар бу сафар ҳам ўз мақсадларига ета олмадилар, ишончимиз комилки, ҳеч қачон етолмайдилар. Бундай манфур бузғунчиларни топиш ва жазолаш учун Ҳукуматимизда ваколат ҳам, имконият ҳам, тажриба ҳам етарли эканига заррача шубҳа йўқ. Ким ва нима сабаб бўлишидан қатъий назар, Қорақалпоғистондаги тартибсизликларни режалаштирган,

ташкил қилган ва оломонлик ҳаракатида иштирок этганларнинг барчаси қонунларда белгиланган жазоларини олишлари керак! Қарашларимиз турлича бўлиши мумкин, лекин она Ватанимиз барқарорлиги ва халқимиз тинчлигини асраб-авайлаш йўлида бир бутун халқ бўлиш барчамиз учун ҳаёт-мамонт масаласи эканини унутмайлик. Ватан учун жонини фидо қилган шахидларимиз хотирамизда абадий сақланади.



САМОЛЁТ ЧИПТАСИНИ ОҚЛАЁТГАН ДЕПУТАТ 4



ЧАҚУВ 6
ЭКИ ПОТЕНЦИАЛ «СОТҚИНЛАР» ХУСУСИДА ШАХСИЙ МУЛОҲАЗАЛАР
Аслида она Ватанимизни узоқ муддат фалаж қилган, жамиятимизнинг обрў эътибори дея тан олинган етук мутафаккирлар, олим, зиёлиларимизнинг қирғинбарот бўлишига сабабчи бўлган ва оғриқли асоратлари ҳали ҳануз сезилиб турган қатағонларнинг касофатига ҳам айнан чақув сабаб экани ҳеч кимга сир эмаску.



БОЛАЛАР ҚОНИГА ТАШНА ҚИЛДОВЧИЛАР... 7



Депутатимизнинг ўтган олти ой давомидаги ишларини таҳлил қилсак, турли ташкилотларга 10 та депутатлик сўрови, маҳаллий Кенгаш йиғилишларига 12 та таклиф киритганини кўрашимиз.

ҲУДУДИЙ ТАШКИЛОТЛАРДА

ЎЗБЕКИСТОН

БУЮК МАҚСАД САРИ КАТТА ЙЎЛГА ЧИҚДИ

- ✓ ТЕЛЕФОНИ ЎЧМАЙДИГАН ДЕПУТАТ
- ✓ ХАЛҚ ТАШВИШИ БИЛАН
ЯШАШ ЗАВҚИ
- ✓ ДУНЁНИ БОРИЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНГ

Халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгаши депутати Машхура Каримова партия гоёиси ва мақсадларини ҳаётга татбиқ этиш мақсадида тиниб-тинчимайётган депутатларимиздан. Машхура опадан қачор ёрдам сўраманг, у Сизни умидсиз қолдирмайди, тадбирлар ҳақида маълумот керакми, бирон долзарб масалага муносабат билдириш, кимнингдир муаммосини ҳал этишни, у доимо хизматга шай.

– Мен Машхура Салимовна-ни ўзимга устоз деб биламан, – дейди Қизилтепа тумани Кенгаши депутати Феруза Ғозиева. – Сайловолди дастури-мизда белгиланган устувор вазифаларни амалга ошириш, жойларда тарғибот-ташвиқот ишларини юртишдаги ташкилотчилиги, билим ва тажрибасига эса ҳар доим ҳавас қиламан.

Машхура Каримова сайланган 23-Бўстон сайлов округи ҳудудига 5 та маҳалла фуқаролар йиғини, 6 та умумий ўрта таълим мактаби, 2-сонли касб-хунар мактаби, 1 та кўп тармоқли оилавий поликлиника, 3 та қишлоқ оилавий поликлиникаси, 5 та мактаб-гача таълим муассасаси, 1 та болалар ижодий маркази, 50 дан ортиқ савдо шохобчалари бор.

Депутатимизнинг ўтган олти ой давомидаги ишларини таҳлил қилсак, турли ташкилотларга 10 та депутатлик сўрови, маҳаллий кенгаш йиғилишларига 12 та таклиф киритганини кўрашимиз.

Ўтган давр мобайнида партия Навоий вилояти ва Қизилтепа тумани Кенгашлари томонидан ўтказилган йиғилиш, тадбир, Пленум ва конференцияларда ҳам у киши ўз таклиф ва мулоҳазалари билан

фаол қатнашиб келмоқда.

2022 йилнинг ўтган олти ойида депутатимиз томонидан ОАВ ва ижтимоий тармоқларда 80 дан ортиқ чиқишлар қилинди. «Депутат билан юзма-юз» лойиҳаси асосида эса 12 та учрашув ўтказилди.

Айни пайтда вилоят Кенгаши депутати, Қизилтепа туманидаги 2-сонли касб-хунар мактаби раҳбари Машхура Каримова ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда юз бераётган ўзгаришларнинг мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тарғиб этишга ҳам баракали ҳисса қўшяпти. Маҳоратли педагог ўқитувчилар мақомини ошириш, жамиятда гендер тенглигини таъминлаш, оилавий қадриятларни асраб-авайлаш каби мавзуларда ҳам ўз таклиф-мулоҳазаларини Конституциявий комиссияга юбориб, бу масалаларга матбуот ва ОАВда фаол муносабатларини ҳам билдирмоқда.

– Ўзбекистон буюк мақсадлар сари катта йўлга чиққан давлат. Бу йўлда эса бизга жуда катта ишонч керак, – дейди Машхура Каримова.

У доимо Сайловолди дастури-мизда кўрсатилган мақсад ва вазифаларининг ижроси, юртимизда кечаётган кенг камровли ислохотларни рўйба-ро рақиб, халқ манфаатларини

таъминлаш йўлида бор куч ва салоҳиятини тўла намоён этмоқда.

Хусусан, ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, бандлигига кўмаклашиш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида «Ғойибон» маҳалласида «Ёшлар дафтари»да рўйхатга олинган уюшмаган ёшлардан 4 нафарига амалий ёрдам кўрсатди. Бундан ташқари «Аёллар дафтари»га киритилган 4 нафар аёл Қизилтепа туманидаги 2-сонли касб-хунар мактабида қисқа муддатли тикувчилик курсида ўқитилиб, уларнинг бандлиги таъминланди.

Машхура опа ҳаётда кўп ўқиб-ўрганиш лозим деб ҳисоблайди. Устозларини доимо эъзозлайди, шоғирдларидан меҳрини дариғ тутмайди. Китоб, газета ва журнал ўқиш, ижтимоий тармоқлар воситасида дунё ва мамлакатимизда юз бераётган янгиликлардан хабардор бўлиб туриш унинг доимий одатидир.

Айниқса, Жалолиддин Румийнинг «Доим яхши ниятда бўлинг, чунки ниятингизни гапирмасингиздан эшитадиган Зот бор», деган ҳикматини кўп тилга олади. Машхура Салимовна, бугун



мамлакатда амалга оширилаётган одилонга давлат сиёсатини минглаб депутатларнинг бири сифатида чин юракдан қўллаб-қувватламоқда.

Дарҳақиқат, халқимизнинг ҳаёт даражасини муттасил юксалтириб бориш Ўзбекис-

тонимизда амалга оширилаётган кучли ижтимоий сиёсатнинг яққол кўринишидир.

Жамолiddин АХТМОВ,
партиянинг Навоий вилояти Кенгаши бош мутахассиси

САМОЛЁТ ЧИПТАСINI ОҚЛАЁТГАН ДЕПУТАТ



Минг афсуски, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари орасида ҳам самолётдан текин фойдаланишу, «йўли тушиб» қолгандагина ўн-ўн беш чоғли маҳалла аҳлини йиғволиб, «ўта муҳим ва долзарб мавзуда» мулоқот ўтказиб қўйишни «бурч» санайдиган халқ вакиллари ҳам бор.

Беш қўл баробар бўлмаганидек, йиллар ўтса-да сайловчига берган ваъдасини унутмаган, ўзи сайланган ҳудуд манфаатини доимо ҳимоя қилиб, аҳоли ўртасида ўзига ҳам, унга ишонч билдирган партияга ҳам раҳматлар олиб келаётган депутатлар ҳам оз эмас.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Абдумалик Ақромов ана шундай вакилларимиздан

бири, десак хато бўлмайди. Яқинда А. Ақромовнинг сайё-ҳаракати билан Поп тумани, «Юксалиш» маҳалласидаги 48-сонли мактаб қайта қурила бошланди.

Маҳалла аҳлининг мурожаати асосида мутасадди идораларга йўлланган депутат сўровидан кейин ушбу мактаб жорий йилги Давлат дастурига киритилиб, бунинг учун 14 млрд. сўм миқдорига маблағ ҳам ажратилди. «Юксалиш» маҳалласи аҳлининг айтишича, айни пайтда 330 ўринли уч қаватли замонавий мактаб қурилиши авжида.

Айтишларича, ўтган ҳафта Абдумалик Ақромов ҳудудда бўлиб, қурилиш ишлари билан танишган ва бу жараён доимий назоратда эканини таъкидлаган.

ИМКОНИЯТЛАР ВАТАНИСАН, ЎЗБЕКИСТОН!

Сўнги йилларда мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсати, ёшлар билан ишлаш тизими тубдан ўзгарди. «Инсон қадрини учун» гоёсининг бир бўлаги сифатида ёшларнинг янги билим ва кўникмаларга эга бўлиши, касб-хунар ўрганиши учун имкониятлар яратиш, истеъдод ва иқтидорларини муносиб рағбатлантириш масалалари шахсан давлат раҳбарининг назоратида экани биз – ёшларни беҳад қувонтиради.

Мухтарам Президентимиз ҳар бир чиқишида, албатта, Ўзбекистоннинг энг катта бойлиги, бебаҳо хазинаси бўлмиш ёшлар масаласига алоҳида тўхталди. Давлатимиз раҳбарининг ёшлар ҳаётига оид янги ташаббусларни илгари суриши аънамага айланган. Хусусан, 30 июнь – «Ёшлар куни»да ҳам уларнинг билим олиши, касб эгаллаши, хунар ўрганиши, ижтимоий ҳолатини яхшилаш, китоб мутолаа қилишлари учун илгари сурган ташаббуслари биз – Ўзбекистон ёшларига ўзгача ғайрат, шижоат, ўшқинлик бахш этди.

«Ёшлар куни»га бағишланган тадбирда мухтарам Президентимиз ана шундай жонқуяр, фидойи ёшлар етакчиларининг фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳар йили олийгоҳларнинг сиртқи бўлимига ўқишга қабул қилинган 500 нафар энг фаол ёшлар етакчиларининг контракт тўловлари Ёшлар ишлари агентлиги томонидан тўлаб берилишини айтганларида, бу нақадар тўғри қарор эканлигига амин бўлдим. Чунки ёшлар етакчиларининг меҳнатдан ажралмаган ҳолда олий таълим олишларидан нафақат уларнинг ўзлари, балки жамият ҳам манфаатдордир.

Тарихий хотирасиз келажак бўлмаганидек, Юртбошимиз ҳар бир чиқишларида аждодлар меросини ўрганиш, миллий урф-одат, аънава ва қадриятларимизни ҳурмат қилиш давр талаби эканлигини алоҳида таъкидлайдилар. Ҳар бир маърузаларида буюк аждодларимиз, мутафаккир боболаримизнинг ҳикматли сўзларини ёшларга шиор қилиб берадилар. Неча йиллардан буён буюк боболаримизнинг ҳаёт ва ижод йўллари, бой тарихи ҳамда кучқудратини бутун дунёга тараннум этиш орзуси билан яшар эдим. Давлатимиз раҳбарининг интернетда юртимиздан етишиб чиққан 100 нафар буюк аллома ва мутафаккирларнинг маълумотлар базасини яратиш ва уларнинг асарларини оммалаштиришга оид илгари сурган ташаббуслари орзуларимга қанот бўлди.

Тадбир якунида қизгин фаолияти билан мамлакатимиз ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган бир гуруҳ ёшлар тақдирланганида жуда севиндим. Барча соҳалардан фақат энг муносибларгина тақдирланди, деб айта оламан. Мукофотланган ёшларимиз эса минглаб ёшларга намуна бўлмоқда. Уларга ҳавас



Азизбек ОЧИЛБОВЕВ,
Ёшлар парламенти аъзоси

қилаётган кўллаб-тенгдошлиримиз худди улар каби «Мана, эришса бўлар эканку», дея ҳаракат қилишларига ишонман.

Яқинда бир хулосага келдим. Ўзбекистонда бугун илм оламан, касб эгаллайман, хунар ўрганаман, ўз устимда ишлайман, истеъдод ва иқтидоримни бутун дунёга намоён этаман, деган ёшлар учун барча имкониятлар яратилган. Улардан тўғри ва оқилона фойдаланган ҳолда Ўзбекистон ёшларининг куч-қудратини, салоҳиятини, имкониятларини бутун дунёга кўрсатиш барчамизнинг асосий мақсадимиз бўлиши лозим. Бугун кўксимни кериб, фахр ва гурур билан бир гапни баралла айтмоқчиман: «Имкониятлар Ватанисан, Ўзбекистон!».



Фозилжон ОТАХОНОВ,
Олий Мажлис ҳузуридаги Қонунчилик
муаммолари ва парламент тадқиқотлари
институту директори, юридик фанлари
доктори, профессор

КОНСТИТУЦИЯДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ МАҚОМИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Янги Ўзбекистонни кучли ва адолатли фуқаролик жамиятига айлантириш бўлиши асосида фуқаролик жамияти институтларининг мақоми конституциявий даражада мустаҳкамлаб қўйиш мақсадида лойиҳада Конституциянинг 56-моддаси янги тахрирда баён қилинмоқда, 98 ва 122-моддалари эса янги нормалар билан бойитилмоқда. Биринчидан, конституциявий қонун лойиҳасига илк бор «фуқаролик жамияти институтлари» ибораси киритилмоқда. Иккинчидан, маҳаллалар, оммавий ахборот воситалари фуқаролик жамияти институтлари қаторида қайд этилмоқда. Учинчидан, Вазирлар Маҳкамасига фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш чораларини амалга ошириш вазифаси юклатилмоқда. Тўртинчидан, фуқаролик жамияти институтларига Ўзбекистон Республикаси бюджетининг шакллантирилиши ва ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш ваколати берилмоқда.

Юқорида қайд қилинган янги нормаларнинг мазмун-моҳияти нималардан иборат деган ҳақли савол туғилади ва унга жавоб беришга ҳаракат қиламиз.

Аввало, Конституциянинг 56-моддасидаги жамоат бирлашмалари тушунчаси «Жамият – ислохотлар ташаббускори» деган эзгу гоя асосида фуқаролик жамияти институтлари тушунчаси билан алмаштирилмоқда. Ҳозирги кунда фуқаролик жамияти институтларининг ҳуқуқий асослари тарқоқ ҳолда «Ўзбекистон Республикасининг жамоат бирлашмалари тўғрисида», «Нодавлат ноижорат ташкилотлар тўғрисида», «Жамоат фондлари тўғрисида», «Сиёсий партиялар тўғрисида», «Қасаба уюшмалари тўғрисида» қонунлар ва бошқа юздан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган.

Нодавлат ноижорат ташкилотлари — жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрлик асосида ташкил этилган, даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олган ҳамда олинган даромадларни (фойдани) ўз қатнашчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган ўзини ўзи бошқариш ташкилотидир.

Нодавлат ноижорат ташкилотлари қуйидаги ташкилий-ҳуқуқий шаклларда, яъни жамоат бирлашмаси, ижтимоий фонд, муассаса шаклида, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа шаклда ташкил этилиши мумкин.

Сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар, қасаба уюшмалари, хотин-қизлар, ёшлар ва болалар ташкилотлари, ветеранлар ва ноғиронлиги бўлган шахслар ташкилотлари, илмий-техникавий, маданий-маърифий, жисмоний тарбия-спорт ва бошқа кўнгилли жамиятлар, ижодий уюшмалар, юрдошлар уюшмалари, ассоциациялар ва фуқароларнинг бошқа бир-

лашмалари жамоат бирлашмалари деб эътироф этилади.

Юридик ва (ёки) жисмоний шахслар томонидан ихтиёрлик асосида ташкил этилган, хайрия, ижтимоий, маданий, маърифий ёки бошқа ижтимоий фойдали мақсадларни кўзлайдиган, аъзолиги бўлмаган нодавлат ноижорат ташкилоти жамоат фонди ҳисобланади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, «Маҳалла деганда, дунёда камдан-кам учрайдиган, инсонни жамият билан уйғун ва бағрикенглик руҳида тарбиялайдиган, халқ билан давлат ўртасида ишончли кўприк вази фасини бажарадиган ноёб ижтимоий тузилмани тушунамиз». Демак, маҳаллани давлат органи эмас, балки фуқаролик жамияти институту сифатида эътироф этиш лозим. Фикримиз тасдиғи Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунда белгиланган қуйидаги нормада ўз ифодасини топади, яъни «Фуқаролар шаҳарчаларда, қишлоқларда, овулларда, шунингдек, шаҳарлардаги, шаҳарчалардаги, қишлоқлардаги ва овуллардаги маҳалла раҳбарлари ўзини ўзи бошқаришга доир ўз конституциявий ҳуқуқлари фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари кафолатларига мувофиқ, фуқаролар йиғинлари (фуқаролар вакилларнинг йиғилишлари) орқали амалга оширади».

Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг доимий номга эга бўлган ҳамда босма тарзда (газеталар, журналлар, ахборотномалар, бюллетенлар ва бошқалар) ва (ёки) электрон тарзда (теле-, радио-, видео-, кинохроникал дастурлар, интернет жаҳон ахборот тармоғидаги веб-сайтлар) олти ойда камда бир марта нашр этиладиган ёки эфирга бериладиган, қонунчиликда белгиланган тартибда рўйхатга олинган шакли ҳамда оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг бошқа шакллари оммавий ахборот воситасидир.

Оммавий ахборот воситалари бугун халқ овози, том маънода тўртинчи ҳокимиятга айланиб бормоқда. Шунинг учун ҳам нодавлат оммавий ахборот воситаларини фуқаролик жамияти институту институтларининг муштарак мақсади сифатида «фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, демократик қадриятларни ҳимоя қилишга, ижтимоий ҳамда маданий мақсадларга эришиш учун кўмаклашишга, жамиятнинг маънавий ва бошқа номоддий эҳтиёжларини қаноатлантиришга қаратилгандир», — деб белгиланмоқда.

Шу ўринда маҳаллаларнинг маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ўз манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан, шунингдек, миллий ва маънавий қадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда ҳал қилиш борасидаги Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари билан кафолатланган мустақил фаолиятини қайд этиш лозим.

Учинчидан, Конституциянинг 98-моддасига киритилаётган қўшимчага

мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси «Фуқаролик жамияти институтларини, шу жумладан, жамоат бирлашмаларини қўллаб-қувватлаш чораларини амалга оширади, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва бажаришда уларнинг иштирок этишини таъминлайди, ижтимоий шерикликка оид дастурларнинг амалга оширилишини таъминлайди».

Ушбу норма ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг долзарб муаммоларини ҳал қилишда фуқаролик жамияти институтларининг аҳамияти ва ролини оширишга, уларнинг фаолиятини субсидиялар, грантлар ва ижтимоий бурортмалар шаклида қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

ҳаражатларини фуқаролик жамияти институтлари томонидан назорат қилишга хизмат қилади.

Конституциявий қонун лойиҳасининг фуқаролик жамияти институтларига оид нормаларини янада такомиллаштириш мақсадида қуйидаги тартибда тақлиф қилинади:

Биринчи тақлиф, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XIII боби номини «Жамоат бирлашмалари» ўрнига «Фуқаролик жамияти институтлари» деб номлаш тақлиф қилинади.

Чунки жамоат бирлашмалари нодавлат ноижорат ташкилотнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклларида бири ҳисобланади. Конституциянинг 57, 58, 59, 60, 61, 62-моддаларида фуқаролик жамияти институтларини бошқа

— Ўзбекистон Республикаси Президентига, Олий Мажлис палаталарига ва Ҳукуматга қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича тақлифларни киритиш функциясини самарали амалга ошириш имконини беради.

Бундан ташқари, фуқаролик жамияти институтлари нафақат фуқаролар, балки чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, шунингдек, юридик шахслар томонидан ҳам ташкил этилиши мумкин. Шунинг учун уларни ташкил этишдан кўзланган мақсадни аниқ ёзиш лозим.

Учинчи тақлиф, Конституциянинг 122-моддасига учинчи қисм сифатида киритилаётган нормани қуйидаги тахрирда баён қилиш мақсадида мувофиқ: Ўзбекистон Республикасида Давлат бюджетини, давлат қарзини, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетини ва маҳаллий бюджетларни шакллантириш ҳамда ижро этиш тартиби очиклик ва ошкоралик принциплари асосида амалга оширилади.

Бунга сабаб, Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексига (72.94.99.126-моддаларида) Қорақалпоғистон Республикаси бюджетини ва маҳаллий бюджетларни шакллантириш ва ижро қилиш жамоатчилик фикрига асосланиши белгиланган.

Тўртинчи тақлиф, 122-моддага киритилиши тақлиф қилинаётган тўртинчи қисмини чиқариб ташлаб, унинг мазмунини Конституциянинг 32-моддасига ўтказиш мақсадида мувофиқ.

Конституциянинг 32-моддасини иккинчи ва учинчи қисмларини қуйидаги тахрирда баён қилиш мақсадида мувофиқ: «Фуқаролар ва фуқаролик жамияти институтлари Ўзбекистон Республикаси бюджетини, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетини ва маҳаллий бюджетларни шакллантирилиши ҳамда ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади».

Давлат органларининг фаолияти, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси бюджетини, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетини ва маҳаллий бюджетларнинг шакллантирилиши ҳамда ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш тартиби қонун билан белгиланади».

Шунда Қорақалпоғистон Республикаси бюджетини ва маҳаллий бюджетларни шакллантириш ҳамда ижро этишда жамоатчилик назоратини белгилаш Янги Ўзбекистонда бу борада олиб борилаётган кенг қўламли ислохотларга мос келади.

Бешинчи тақлиф, Конституциянинг 98-моддаси иккинчи қисмининг 8-бандига киритилаётган қўшимчалардан қуйидаги жумлани чиқариб ташлаш мақсадида мувофиқ: «, шу жумладан жамоат бирлашмаларини».

Чунки Вазирлар Маҳкамаси уларнинг номланиши ва фаолият соҳасидан қатъий назар барча фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш чораларини амалга ошириш лозим ва бунда тенглик принциpigа риоя қилиши даркор.

Хулоса қилиб айтганда, фуқаролик жамияти институтларининг мақоми конституциявий даражага кўтарилиши Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда «... бутун давлат бошқарув тизимини сифат жиҳатдан янги босқичга — «Янги шахс», «Янги фуқаролик жамияти», «Янги демократик бошқарув тизими»га олиб чиқишда муҳим аҳамият касб этади».

✓ Кутинг!

**ФАРҒОНАЛИК
МУТАСАДДИЛАР АДОЛАТНИ
ЮЗАГА ЧИҚАРА ОЛАДИМИ?**

Келгуси сонларда

БОЛАЛАР

ДУНЁ СТАТИСТИКАСИ

ҲАР КУНИ 1 МЛРД. 800 МИНГ

нафар боланинг мактабга
отланаётганини,
аммо уларнинг

500 НАФАРГА ЯҚИНИ АВТОҲАЛОКАТ

қурбонига айланиб, ўз манзилига
етиб бормаётганини кўрсатмоқда.

Чиндан ҳам юракка азоб берадиган маълумот бу! Чуқурроқ таҳлил қилинганда, бу 500 қора кўзнинг ҳеч бир айбисиз, касалликларсиз, ўзи ҳам англамасдан ёруғ дунёни тарк этиши, фарзандини яхши ниятлар билан мактабга кузатиб, сўнгра унга тушлик тайёрлаб, кутиб турган шунча отаю, шунча онанинг оғир фироқи дегани эмасми?

Маълумотларга кўра, бир йилда дунёда ўртача 1,35 млн. киши йўл-транспорт ҳодисаси оқибатида ҳалок бўлиб, 20-50 млн. киши эса турли тан жароҳатлари олмоқда. Гарчи, таҳлиллар ҳар 23 сонияда бир инсон йўл-транспорт ҳодисаси қурбони бўлаётганини кўрсатаётган бўлса-да, афсуски, бу кўрсаткич камаяётгани йўқ.

Бугун исталган бир ҳайдовчи ёки йўловчини тўхташиб, йўловчи ёхуд ҳайдовчилик маданияти ҳақида гапириб кўрингчи, ё қўл силтаб, сизни аҳмоқча чиқаради ёки энсанини қотиради. Аммо ногаҳон автоҳалокат иштирокчисига айланиб қолса, пушаймон эканлигини айтиб кўз ёш тўкишдан нарига ўтолмай қолади. Афсусланарлиси бу борада ОАВда ва ИПХ ходимлари томонидан тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилаётган бўлса-да, кун сайин йўловчи, айниқса, ҳайдовчиларнинг хатоси туфайли бу борадаги «статистика»ни семиртиряпмиз, ҳолос. Оддий бир мисол: бир кун эринмай кўчаларимизни кузатинг, пойтахтимиздаги ҳар уч чорраҳанинг бирида машина сигналлари «янграёт»гани ёки ҳайдовчиларнинг бир-бирини ҳақоратлаб қоидабузарлик қилаётганларини кўрасиз. Ажабланарлиси, кўпчилик ҳайдовчилар яшил чироқ ишорасисиз ўтишинг имко-

ни йўқлигини билдириб, сфетофорнинг қизил ишорасида ҳам «юр» деган иддао билан сигнал чалишади. Ёки олдинда турган машина эгасига «юрмайсанми» дея дўқ қилишади. Уша ҳайдовчи мулоҳазали, маданиятли бўлсаку эътибор бермас, аммо «сиркаси гап кўтармас Алпомиш» бўлса... Ана томоша, ана чинакам маданиятсизликини кўрасиз.

Янги таҳрирдаги «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги қонунга киритилган нормаларни ўқиб жуда қувонганим, тўғриси. Лекин бу борадаги ўзгаришлар юртдошларимизга тўлалигича етиб бормаган чоғи, маданиятли ҳайдовчилар ёки йўловчилар сони ҳамон камлигича қолмоқда. Ачинарлиси, аҳоли яшаш манзилларидан соатига 50 км. тезлик билан ҳаракатланган ҳақидаги меъёр ҳалигача амалиётга киритилмаган. Мактаб ва боғча олдида 30 км. тезликда ўтаётган ҳайдовчилар ҳам камдан-кам. «Шайтон суви»ни симириб шерга айланган, ширақайф ҳолда машина бошқариб, бир бечоранинг ўлимига ёки бутун умр ногирон бўлиб қолишига сабабчи бўлиб қолаётган ҳайдовчилар қонун доирасида жазосини олар ҳам. Аммо жабрдийда боланинг болалигини ким қайтариб беради. Бутун умр боласига қараб

езилган оналар изтиробига ким малҳам бўла олади? Биргина эҳтиётсизлик сабаб тақдир ҳукмини ўзгартириб юборган, келажакда ҳарбийми, спортчими, борингки яхши бир шифокор бўлишни орзу қилган ўсмир (бола)нинг барча орзуларини яқсон қилган ҳайдовчи бундан кейин ҳаловат топармикан?

Тўғри, болалар ўлими билан боғлиқ транспорт ҳодисалари бутун дунё муаммоси. Аммо кўплаб давлатларда бу иллатга қарши кенг кўламли кураш олиб борилмоқда. Самарали натижаларга эришиш япти ҳам. Қайд этилишича, ўтган асрнинг 70-йилларида бошлаб Швецияда йўллардаги автоҳалокатлар сабаб одамлар кўп ҳаётдан кўз юма бошлади. Бундан ташвишга тушган ҳукумат 1997 йили «Vision Zero» лойиҳасини қабул қилган. Унга кўра, мамлакат йўлларида одамларнинг жароҳат олиши ва ҳалок бўлиши жуда қисқа муддат ичида «нол»га етказилиши керак эди. Эътибор беринг, НОЛга! Яъни, бирор одам жароҳат ҳам олмасин, вафот ҳам этмасин, деган лойиҳа эди бу.

Бир қарашда бунга эришиш иложсиздек туюлди, бироқ Швеция ўз мақсадига эришиш йўлида тинмай ҳаракат қилди. 2000 йилга келиб, машиналар сони икки баробар ошганига қарамастан, йўллардаги

автоҳалокат қурбонлари сони икки баробарга камайган. 2012 йили эса ИТХ оқибатида бутун мамлакат йўлларида етти ёшгача бўлган болалардан фақат бир нафари қурбон бўлган. Мазкур курсаткич АҚШда 11,4 га тенг. Мутахассисларнинг фикрича, бундай кўрсаткичларга эришиш учун Швеция амалдаги қоидаларни кескинлаштириш йўлидан эмас, балки уларга амал қилишнинг техник шарт-шароитларини яратиб йўлидан борди. Йўллардаги биринчи даражали эътибор хавфсизлик ва яна хавфсизлик масаласига қаратилди. Эндиликда Швеция йўллари дунёдаги энг хавфсиз йўллар, дея эътироф этилмоқда. Шунингдек, Жанубий Кореяда ҳам бу муаммонинг мақбул ечими топилган, дейиш мумкин. Бу давлатда болалар хавфсизлигини таъминлаш учун ташкил этилган «Яшил оналар» (the Korea Green Mothers Society) жамияти ва энг яхши ҳайдовчилар уюшмаси бор. «Яшил оналар» жамияти бошланғич мактаблардаги оналар гуруҳларидан ташкил этилган бўлса, иккинчи ташкилот тўғридан-тўғри полиция билан ҳамкорликда иш юритар экан. Ҳар иккала жамият ҳам ҳукуматнинг йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича ўтказиладиган ҳар бир тадбирда фаол иштирок этади. Энг асосийси, бу борадаги нати-

жалар бўйича изчил тарғибот ишлари олиб борилади.

Шубҳасизки, мамлакатимиз янги тараққиёт босқичига кўтарилганда, Давлатимиз раҳбари томонидан бор куч ва эътибор аҳоли фаровонлиги, инсон қадрини юксалтиришга қаратилган бир пайтда пойтахт йўлларида «дунё меники» деб юрадиган «олифта» бир ҳайдовчи бегуноҳ инсон ҳаётига нуқта қўймоқда. Энг ёмони, бу ҳодиса шундоқ кўз олдимизда содир бўляпти.

Сизнингча, бу масалага жиддий эътибор қаратиб, йўл-ҳаракати хавфсизлигининг муқобил вариантини ишлаб чиқиш, йўл патрул хизматларини олиб борувчи алоҳида ташкилот ёки жамият ташкил этишнинг имкони йўқми? Энг муҳими, бугун «ўпқасини қўлтиқлаб» олган ҳайдовчилар учун мажбурий ўқув курслари ташкил этиш, уларга қонунларни хурмат қилиш, йўлларда юриш ёки тўхташ маданияти ва этикасини ўргатиш, шунингдек, ҳаётимизга хавф солаётган иллат — маънавиятсизликнинг оғир оқибатлари хусусида қатъийроқ сабоқ бериш зарурий эҳтиёж эмасми?

Махбуба КАРИМОВА
«Миллий тикланиш»
мухбири

✓ Халқаро ҳаёт




ПРЕЗИДЕНТ ПРЕЗИДЕНТГА ИШОНЧ БИЛДИРДИ

Озарбайжон Президенти Илҳом Алиевнинг фикрича, АҚШ Боку ва Ереван ўртасидаги муносабатларни меъёрига келтиришда муҳим рол ўйнаши мумкин.

— Жанубий Кавказда барқарор тинчлик урнатиш, иқтисодий тараққиётга эришиш учун қулай шароитлар яратилган бир пайтда, биз Қўшма Штатларнинг Арманистон ва Озарбайжон ўртасидаги муносабатларни нормаллаштириш, коммуникация ва аҳоли

ўртасидаги алоқаларни йўлга қўйиши мумкинлигига ишонамиз, — деди Озарбайжон етакчиси. Қайд этилишича, Илҳом Алиевнинг бу сўзлари Мустақиллик кўни муносабати билан АҚШ Президенти номига йўлланган табрикдан жой олган.



Янги тўлқин янгилик эмас

Омикрон-штаммнинг навбатдаги мутацияси Европа ва Америкада беморлар сонининг ошишига сабаб бўлаётгани айтилмоқда.

Хусусан, Н.Ф.Гамалеи номидаги эпидемиология ва микробиология илмий тадқиқот маркази бош илмий ходими Анатолий Алтштейннинг «Известия»да эълон қилган мақоласида таъкидлашича, коронавируснинг янги тўлқини аллақачон бошланган.

— Бу жараёнга омикроннинг янги варианты пайдо бўлгани сабаб бўлмоқда. Ушбу вариант аввалгиларидан ҳам тез тарқалмоқда. Дунёда ҳар куни 700-800 минг киши хасталанмоқда, — дейди олим. Вирусологнинг фикрича, январнинг сўнги кунлари ва февраль ойи бошларида кўплаб мамлакатларда касалланиш билан боғлиқ вазият ёмонлашган. Сўнгра инфекция тарқалиши секинлашган. Аммо кейинроқ эса штаммининг янги ВА.2 варианты пайдо бўлган, касалланиш ҳолатлари яна кўпая бошлаган. Аммо олим йил охиригача коронавирус билан касалланиш сони кескин пасайишини тахмин қилапти.

КАСПИЙ ОРОЛ ФОЖИАСИНИ БОШИДАН ЎТКАЗИШИ МУМКИН

Мутахассисларнинг фикрича, Каспий денгининг сатҳи шу тарзда пасайишда давом этаверса, яна 25-30 йилдан кейин уни ҳам Орол денгининг тақдири кутмоқда.

— Каспийнинг жанубий қисми 2009 йилда қуриган эди, — дейди Озарбайжон миллий фанлар академияси академиги Фахрредин Гадилов. — Тадқиқотларимиз шуни кўрсатмоқдаки, бундан 100 йил аввал Каспий денгизиде сув сатҳи ҳозиргидан 2 метр юқори бўлган. 2005 йилдан буён ҳар йили сув сатҳи 10 сантиметрга пасаймоқда. Агар бу жараён 25-30 йил давом этса, унинг шимоли-шарқий қисмида Орол денгизи тақдири тақдорланиши мумкин, жанубий қисми эса 2009 йилда қуриган эди, — деди олим Бакуда бўлиб ўтган «Каспий денгизи сатҳининг иқлим иситиши шароитида ўзгариши ҳамда прогноз ва мослашув чоралари» деб номланган халқаро конференцияда.



Ҳикмат

**ЗУЛҲИЖЖАНИНГ
ҮН КУНЛИГИ:**

– Бу кунларда яхшиликлар
купайтириб берилади.
– Бу кунларда дуолар
ижобат бўлади.
– Бу кунларда илоҳий
файз-футуҳ бўлади.
– Бу кунларда
ҳалокатга олиб борувчи
гуноҳлардан озод
қилинади.
– Бу кунлар олий
ҳиммат эгалари учун
фойдани қўлга киритиш
мавсумидир.
– Мазкур кунда
«Субҳоналлоҳ»,
«Алҳамдулиллаҳ»,
«Аллоҳу акбар», «Лаа
илаҳа иллаллоҳ»,
«Астағфируллоҳал
ъазийм ва атубу илайҳ»ни
кўп айтиб, гуноҳ ва
ёмонликлардан батамом
тухтаб, тавба қилишни
йўлга қўйинг. Умр, гафлат
ва шаҳватга берилиш
билан ўтиб кетмасин.
Афсус ва надомат фойда
бермайдиган кунда
пушаймон бўлиб қолманг!

«Ҳикматлар китоби»дан.

Шавкат РАҲМОН

**БИР ХОИН
ХУСУСИДА**

Азалий қўзлари
ит қўзларидай...
Юзида азалий дарди бор эди.
Қомати ҳамisha қалтабинларга
эзилган бошига сайёр дор эди.
Ҳар нокас келару борини олар,
қўйнида тўлғонган ёрини олар,
қовушган қўлига кулиб қарару
оғир нигоҳ билан жонини олар.
Сарбоз этиклари остида дунё —
дунё келажакка қирмакда ёниб.
Турар у қўлларин қовуштирганча,
оқар санжўқдаги руҳидан қони.
Жоним-жигаримсан,
сен-да одамсан,
лоақал қўзингда бир ёш кўрсайдим,
лоақал қовушиб қолган қўлингда
ёвларга аталган бир тош кўрсайдим.
Қай бир қаро кунда тугилган эдинг,
сени четлаб ўтар ишқидир, иқболдир.
Уммон чўлга дўнар,
чўллар уммонга,
тоғлар қумга дўнар,
фақат сен қолдинг.
Турансан келажак бўсағасида
буғаб пок қўёшнинг зиёларини,
ўз суваратинг билан бузмақлик учун
бахтли болаларнинг дунёларини.
Э, ўй-эй,
мен сени бўғиб ташларман,
келажак кўрмаган сендай беорни.
Нимадир қарс этди,
бир оҳ дедиму
юзтубан йиқилдим
чангаллаб қорни.
Бўрилар ҳидсираб келди дунёдан...
Юзтубан ётганим кўрмади ҳеч ким —
ўз қўлим ўзимни маҳв этди бугун,
ўз ерим ўзимнинг қонимни ичди.
Қотилим билмадим,
кўрдим ҳаммадан —
юз бора, минг бора ботдим гуноҳга.
Сен ўтдинг келажак бўсағасидан,
мендан-да керакқоқ эдинг дунёга.
Сени алқадилар,
кифтинга қоқиб,
мақтовлар ёғилди оққуш паридай,
мен эса йиғладим эна еримнинг
топталган қоронғи огушлариди.
Эна-эй,
Эна ер,
қонимни ичгил,
тезроқ адо бўлсин жисмимда хўрлик.
Эшитдим тоғларнинг гулдиросини,
қўқатлар кўккача ўсганин кўрдим...

«ОРАМИЗДА МАҒЛУБ ЙҶҚ»

Африкадаги бир қабилани
ўрганиш учун борган
антрополог олим қабилани
болаларига шундай ўйин
таклиф қилди. Дарахт
ёнига мева тўла саватни
қўйди ва: «Орангиздан
ким биринчи бўлиб дарахт
ёнига етиб келса, манави
бир сават мева уники
бўлади!» — деди.
Олим югуришга рухсат
ишорасини қилган пайт
болалар бир-бирларининг
қўлларини маҳкам тутиб,
биргаликда югуришди.
Маррага баравар етиб
бориб, ютуқлари —
меваларни биргаликда
маза қилиб еб олишди.
Болаларнинг бундай
топқирлигидан лол қолган
олим улардан меваларга
фақат бир киши эга

чиқиши мумкин бўла
туриб нима учун бундай
қилишганини сўради.
Улар: «Обоното!» деб
жавоб беришди. Бу сўз
қабилани тилида: «Мен
борман, чунки биз
бормиз!» деган маънони
англаётди.
Болалар оқ-қорани
ҳали яхши билмас-да,
ўзаро меҳр ва оқибат
туйғуларини дилдан
ҳис қилар, улар бир
киши бахтиёр бўлиб,
қолганлар бахтсиз бўлса,
бу бахтиёрлик ҳеч кимга
қувонч келтирмаслигини
англаб етган эди.
Баъзан ўзимиз
эйтиб-борсиз қарайдиган
болакайлардан ҳам кўп
нарсаларни ўрганишга
тўғри келади.

Халқаро ҳаёт

**ПАТРУШЕВНИНГ
ХАВОТИРЛАРИ ЎРИНЛИМИ?**

Кейинги пайтда Россия
ва Япония муносабатла-
ри ҳам таранглашаётгани
айтилмоқда. Бу асосан Курил
ороллари билан боғлиқ эски
можаролар фониди давом
этмоқда.


Хабар қилинишича, куни
кеча Россия Федерацияси
Хавфсизлик кенгаши ютиби
Николай Патрушев айни шу
масалага эътибор қаратган.
Унинг фикрича, шу кунларда
Япония томонининг Курил
ороллари билан боғлиқ жара-
ёнларда анчайин фаоллашга-
ни сезилиб қолмоқда.



**ТОЖИКИСТОНДА ЎРТАЧА
ОЙЛИК ҚАНЧА?**

Маълумотларга кўра, Тожикистонда ўртача
ойлик маош 2022 йил январь-апрель ойла-
рида 1 минг 652 сомонини (157,3 доллар)
ташкил этган. Бу 2021 йилнинг шу даврида
таққослаганда 10,2 фоизга (1 498 сомони ёки
142,6 доллар) кўпдир.
Тожикистон Президенти ҳузуридаги стати-
стика агентлиги маълумотида кўра, ҳисобот
даврида Тожикистонда энг юқори ўртача
ойлик пойтахт Душанбе шаҳрида қайд этил-
ган. Яъни, пойтахт аҳолиси ана шу даврда
ўртача 2 минг 397 сомони ёки 228,2 доллар
маош олган. Энг кам ўртача ойлик эса Хатлон
вилоятида экани айтилмоқда. Бу ерда ушбу
кўрсаткич 1 минг 224 сомони (116,5 доллар)
дан иборат бўлган.

✓ Изоҳ сиздан...



**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИГА
МАХСУС ЙҶРИҚНОМА ТОПШИРИЛДИ**

Соғлиқни сақлаш
сифатини
мустаҳкамлаш орқали
бутун мамлакат
бўйлаб эрта ёшдаги
болаларнинг
ривожланишини
яхшилаш мақсадида
ЮНИСЕФ Мактабгача
таълим вазирлигига
«Мактабгача таълим
ташкилотларида
тиббий ёрдамни
ташkil этиш» номли
8100 та йўриқнома
топширди.
Ушбу қўлланма
ЮНИСЕФнинг техник
кўмаги билан болалар
учун хавфсиз ва
соғлом шароитларни
таъминлаш учун
тиббиёт ходимларининг
малакасини ошириш
мақсадида ишлаб
чиқилди.
Мазкур нашр
мактабгача таълим
ташкилотларидаги

тиббиёт ходимлари
учун қўлланма бўлиб,
улар фаолиятининг
асосий турларини
қамраб олади.
Йўриқномада
гигиена, озикланиш
ва профилактика
чоралари, жумладан,
иммунизация бўйича
муҳим маълумотлар
жамланган. Шунингдек,
болаларнинг ўсиши
ва ривожланишини
назорат қилиш
масалаларига,
соғлом турмуш тарзи
кўникмаларини
шақллантиришга
алоҳида эътибор
қаратилган.
– Таълим
дастурларини
самарали амалга
ошириш учун,
авваламбор,
мактабгача таълим
ташкилотларининг
барча ходимлари

боланинг соғлиқ,
жисмоний ва руҳий
саломатлигига
ғамхўрлик қилиши
зарур, — деди
Мактабгача таълим
вазирлиги Агриппина
Шин. — Мактабгача
таълим тизимида
фаолият юритувчи
тиббиёт ходимлари
салохиятини
оширишнинг
навбатдаги босқичи
сифатида ЮНИСЕФ
Мактабгача таълим
вазирлигининг онлайн
таълим дастурини
ишлаб чиқишини
қўллаб-қувватлади.
Бу дастур қисқа
вақт ичида 8 минг
нафардан ортиқ
ҳамширани қамраб
олиб, уларни ўқитиш
имконини беради.

**Моҳигул ҚОСИМОВА,
Ўза**

Бир чимдим кулги

Бир ўғрининг қармоғига олтин
балиқ илинибди. Лекин у нима
қилишини билмасдан балиқни
у ёғига ағдарибди, бу ёғига
ағдарибди.
– Тила тилагингни, — дебди, ниҳоят,
олтин балиқ тилга кириб.
– Бу нима деганинг, — дебди

тушунмасдан ўғри.
– Сенга қанақа тушунтирсам экан,
кеча бир одам мени ушлаб олган
эди. У мenden юз миллион сўм
муҳайё қилишимни сўради. Мен
уни бир зумда бажо келтирдим.
Сенга нима қилай?
– Ўша одамнинг уй манзилини бер...

«МИЛЛИЙ
ТИКЛАНИШ»
ДЕМОКРАТИК
ПАРТИЯСИНИНГ
ИЖТИМОЙ-
СИЁСИЙ
ГАЗЕТАСИ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Алишер ҚОДИРОВ — кенгаш раиси,

Акмал САИДОВ, Абдулазиз АККУЛОВ, Аббор ПЎЛАТОВ,
Амриддин БЕРДИМУРОДОВ, Акмал ЖУМАБОВЕВ, Баҳодир
МАМАТХОНОВ, Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ, Илхом АБДУЛЛАЕВ,
Иброҳим ҒОҒУРОВ, Ирода ДАДАЖОНОВА, Минхожиддин МИРЗО,
Олим ЎСАРОВ, Нодир МУХТОРОВ, Олиддон ТОҶИЕВ, Отабек
ЖИЯНБОВЕВ, Озодбек НАЗАРБЕКОВ, Ортикали ҚОЗОҚОВ, Феруза
МУХАММАДЖАНОВА, Хурид ДЎСТМУХАММАД, Шерзодхон
ҚУДРАТХЎҶА, Шавкат ШАРИПОВ, Шухратжон АХУНДЖАНОВ.

Бош муҳаррир:
Миродил АБДУРАҲМОНОВ

**ТАХРИРИЯТ
МАНЗИЛИ:**

Тошкент шаҳри,
Учтепа тумани,
Максуд Шайхзода
кўчаси, 1 А-уй.
Газета таҳририят
компьютер
марказида терилди
ва саҳифаланди.

Муаллифлар фикри
таҳририят нуктаи
назаридан фарқ
қилиши мумкин.

Таҳририятга келган хатлар доимий
эътиборимизда бўлиб, улар
муаллифларига қайтарилмайди.

Навбатчи муҳаррирлар:
Махбуба КАРИМОВА,
Дониёр ТОШБОВЕВ,
Нашр учун масъул:
Маъмуржон ЮЛДОШЕВ
Навбатчи:
Видолатхон ШОДИЕВА
Дизайн гуруҳи:
Асилбек ҚУДРАТОВ,
Лазиз МЕЙЛИКОВ,
Фирдавс ҲАМИДУЛЛАЕВ
Электрон почта:
mtiklanish@bk.ru / mtiklanish@mail.ru

Газета «SHARQ» нашриёти-мағбаа акциядорлик компаниясида
чоғ этилди.
Корхона манзили: «Буюқ Турон» кўчаси, 41-уй

2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Мабуот ва ахборот
агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Газета ҳафтанинг chorshanba куни чикади.

Алади — 10 057.
Газетанинг баҳоси келишилган нарҳда.
Қоғоз бичими: 350x587. Ҳажми: 4 босма табоқ
Буюртма — 716
Босишга топшириш вақти 21.00.
Топширилди 2:55

Электрон почта: ISSN 2010-7714
mtiklanish@bk.ru / mtiklanish@mail.ru